

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги ҳузуридаги
Давлат Хизматлари Агентлигининг
Юнусобод туман Давлат Хизматлари
Маркази томонидан 2022 йил 14 январда
10-000103 сонли реестр рақами билан
**ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН
ЎТКАЗИЛГАН**

«GROSS INSURANCE»
mas'uliyati cheklangan jamiyati
ягона таъсисчисининг
2022 йил «13» январдаги
2 -сонли қарори билан



«Gross sug'urta kompaniyasi» aksiyadorlik jamiyati

УСТАВИ

(янги таҳрирда)

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. «Gross sug'urta kompaniyasi» aksiyadorlik jamiyati (матн давомида «Жамият» деб номланади) «GROSS INSURANCE» mas'uliyati cheklangan jamiyati ягона таъсисчисининг 2022 йил 13 январдаги 1-сонли акциядорлик жамиятига ўзгартириш тўғрисидаги қарорига асосан қайта ташкил этилган.

1.2. Жамият Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил 17 ноябрда 103 – сонли реестр рақами билан Давлат рўйхатида олинган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги Давлат Хизматлари Агентлигининг Юнусобод туман Давлат Хизматлари Маркази томонидан 2017 йил 23 мартда 10-000103 – сонли реестр рақами билан қайта рўйхатга олинган «GROSS INSURANCE» mas'uliyati cheklangan jamiyati нинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари буйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

1.3. Жамиятнинг мазкур Устави Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонунлари ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилган.

1.4. Жамиятнинг номланиши:

Жамиятнинг тўлиқ расмий номи:

- ўзбек тилида – «Gross sug'urta kompaniyasi» aksiyadorlik jamiyati
- рус тилида – Акционерное общество «Страховая компания Gross»
- инглиз тилида – «Gross Insurance Company» Joint-Stock Company

Жамиятнинг қисқартирилган расмий номи:

- ўзбек тилида – «Gross sug'urta kompaniyasi» AJ
- рус тилида – АО «Страховая компания Gross»
- инглиз тилида – «Gross Insurance Company» JSC

1.5. Жамиятнинг жойлашган жойи (почта манзили): **Ўзбекистон Республикаси, 100000, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 6-уй.**

1.6. Жамиятнинг веб-сайти – www.gross.uz, жамиятнинг электрон почта манзили (e-mail) – info@gross.uz.

1.7. Жамият фаолият кўрсатиш муддати чекланмаган муддатга тузилган.

II. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИНГ СОҲАСИ (АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ), МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

2.1. Жамият фаолиятининг асосий мақсади бўлиб, Ўзбекистон Республикасида ва хорижда умумий суғурта фаолиятини олиб бориш, яъни фуқаролар мулкани, корхона, давлат, ташкилот ва муассасаларнинг мулкани, юридик ва жисмоний шахсларнинг молиявий ва тадбиркорлик таваккалчиликларини суғурталаш хизматини кўрсатиш орқали фойда олиш ҳисобланади.

2.2. Жамият мақсадига эришиш учун қуйидаги фаолият турларини амалга ошириш ҳуқуқига эга:

- суғурталовчи ва қайта суғурталовча сифатида суғурта ёки қайта суғурта фаолияти;
- суғурта йўналиши бўйича мутахассисларнинг малакасини оширишга қаратилган фаолият;
- суғурта агенти сифатида суғурта воситачилик фаолияти.

2.3. Жамият қонунчилик билан таъқиқланмаган, ва Уставида кўрсатилмаган ҳар қандай фаолият тури билан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шуғулланиши мумкин.

2.4. Махсус рухсатнома (лицензия) олишни талаб қиладиган фаолият турлари Жамият томонидан шундай лицензия олинганидан кейин амалга оширилади.

III. ЖАМИЯТНИНГ ЮРИДИК МАҚОМИ ВА ҲУҚУҚЛАРИ

3.1. Жамият юридик шахс бўлиб, ўзининг мустақил балансига ва ҳисоб рақамига эга. Жамият ҳисоб – китобларни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ўз ишларини (хизматларини) сотиш жойларида, шу жумладан Жамиятнинг хўжалик фаолияти амалга ошириладиган давлатлар ҳудудида жойлашган банкларда ва бошқа кредит муассасаларида валюта ва бошқа ҳисоб рақамларни очиши мумкин.

3.2. Жамият ўз фирма номидан фойдаланишда мутлақ ҳуқуққа эга. Жамият ўзининг фирма номи давлат тилида тўлиқ ёзилган ва тимсоли тасвирланган юмалоқ муҳрига (муҳрда кўшимча равишда фирма номи бошқа исталган тилда ҳам кўрсатилиши мумкин), ўз номи ёзилган штампи, бланкаларига, товар белгисига ва ўз тимсолига эга.

3.3. Жамият қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда акциядорлик жамияти, масъулияти чекланган жамият шаклидаги шўъба ва тобе хўжалик жамиятларига эга бўлиши мумкин.

Шўъба ва тобе хўжалик жамиятлари ўз мулкида жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эга бўлишга ҳақли эмас.

3.4. Жамият Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўз филиалларига эга. Жамиятнинг филиаллари ва ваколатхоналари юридик шахс ҳисобланмайди, Жамиятнинг Акциядорлар умумий йиғидиши тасдиқлаган Низомлар асосида иш кўради. Филиал раҳбарлари Жамият Бошқарув раиси томонидан тайинланади ва Ишончнома асосида иш юритади.

3.5. Жамият ўз фаолиятини амалга ошириш учун ҳамда олдига қўйилган вазифаларни бажариш мақсадида қуйидагиларга ҳақлидир:

– Келишилган тариф ва нархлар асосида суғурта қилишнинг ихтиёрий ва мажбурий турлари бўйича суғурта хизматларини кўрсатиш;

– Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бошқа юридик шахсларнинг таъсисчиси бўлишга ёки уларнинг Устав фондида бошқача тарзда иштирок этишга, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва унинг ташқарисида ваколатхоналар, филиаллар, савдо уйлари очишга;

– Ассоциация, уюшма ва бирлашмаларга аъзо бўлишга;

– Банкларда белгиланган тартибда ихтиёрий ҳисоб рақами ва валюта ҳисоб рақамларини очишга, ссуда ва банк кредитларини олишга, қонунчиликка мувофиқ барча шаклдаги тўловларни ўтказишга ва акцептлашга, пул воситаларини конвертация қилишнинг амалдаги тартибига мувофиқ ваколатли банклар орқали ўз воситаларини конвертация қилишга;

– Хўжалик фаолиятини мустақил режалаштиришга ва бажаришга;

– Қонунчиликда белгиланган тартиб ва шартлар асосида суғурта (қайта суғурталаш) шартномаларини тузишга ва бажаришга;

– Ўз мажбуриятларини белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг ташқарисида қайта суғурта қилдиришга;

– Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланган тартиб ва шартлар асосида суғурта ҳодисаларини бартараф этишга ва олдини олиш бўйича чора – тадбирларни молиялаштиришга;

– Қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган суғурта турлари бўйича қондани (шартларни) белгилашга;

– Суғурта қопламаси миқдорини аниқлаш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва маълумотларни белгиланган тартибда ҳуқуқ-тартибот органларидан, судлардан, тиббий, сейсмологик, ветеринар, гидрометеорологик ва бошқа ташкилотлардан сўрашга ва олишга;

– Суғурта агентлари, суғурта ва қайта суғурталаш брокерлари, шунингдек суғурта бозорининг бошқа мутахассислари билан тегишли тартибда шартномалар тузишга;

– Қонун ҳужжатларида ва/ёки суғурта (қайта суғурталаш) шартномаларида белгиланган тартиб ва ҳолатларда суғурта тўловидан воз кечишга, суғурта шартномасини муддатидан олдин тўхтатишга;

- Чет эллик суғурталовчиларга сюрвейер ва аджастерлик хизматини кўрсатишга;
- Жамият томонидан шахсий зарурат учун илгари олинган ёки суғурта шартномаларини тузиш натижасида ўз тасарруфига олган мол – мулкни сотишга ёки ижарага беришга;
- Ўзбекистон Республикаси ва чет эл рейтинг ташкилотларидан рейтинг кўрсаткичларини олишга;
- Жамиятга юклатилган вазифаларни бажаришда ва хўжалик фаолиятини юритишда зарур бўладиган товар – моддий бойликлар, ишлаб-чиқариш ва техник мақсадлардаги жиҳозлар, транспорт воситалари, эҳтиёт қисмлар ва бошқа турдаги жиҳозларни сотиб олишга;
- Тендерларда, танловларда, аукционларда, савдоларда, конкурс – кўрикларда иштирок этишга, хомийлик ва хайрия тадбирларини амалга оширишга, ҳамда ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишга;
- Жамият Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига асосан бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

IV. ЖАМИЯТНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

- 4.1.** Жамият ўз мажбуриятлари бўйича ўзига тегишли бўлган барча мулки билан жавоб беради.
- 4.2.** Акциядорлар Жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди ва унинг фаолияти билан боғлиқ зарарларнинг ўрнини ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида қоплаш таваккалчилигини ўз зиммасига олади.
- 4.3.** Акцияларнинг ҳақини тўлиқ тўламаган акциядорлар Жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан ўзларига тегишли акциялар қийматининг тўланмаган қисми доирасида солидар жавобгар бўлади.
- 4.4.** Жамият ўз акциядорлари мажбуриятлари бўйича жавобгар эмасдир.
- 4.5.** Давлат ва унинг органлари Жамият ўз зиммасига олган мажбуриятлар юзасидан жавобгар бўлмайдилар, худди шунингдек Жамият ҳам давлат ва унинг органлари олган мажбуриятлар юзасидан жавобгар бўлмайди.

V. ЖАМИЯТНИНГ УСТАВ ФОНДИ

- 5.1.** Жамиятнинг Устав фонди акциядорлар томонидан олинган Жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади.
- 5.2.** Жамиятнинг Устав фонди **35 205 000 000,00 (ўттиз беш миллиард икки юз беш миллион) сўм** миқдорида шакллантирилган.
- 5.3.** Жамият Устав фонди 35 205 000 (ўттиз беш миллион икки юз беш минг) дона эгасининг номи ёзилган оддий акциялардан иборатдир.
- 5.4.** Бир дона оддий акциянинг номинал қиймати 1 000,00 (бир минг) сўм.

VI. ЖАМИЯТНИНГ УСТАВ ФОНДИНИ КўПАЙТИРИШ

- 6.1.** Жамиятнинг Устав фонди кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.
- 6.2.** Кўшимча акциялар Жамият томонидан Жамият Уставида белгиланган эълон қилинган акциялар сони доирасидагина жойлаштирилиши мумкин.
- 6.3.** Жамиятнинг Устав фондиди кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш ва Жамият Уставига устав фондиди кўпайтириш ҳамда жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш ҳақидаги қарорлар Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.
- 6.4.** Жамиятнинг Устав фондиди кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган кўшимча оддий акцияларнинг сони, уларни жойлаштириш муддатлари ва шартлари белгиланган бўлиши керак.

6.5. Жамиятнинг Устав фондини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг номинал қиймати миқдорида рўйхатдан ўтказилади. Бунда Жамият Уставида кўрсатилган эълон қилинган муайян турдаги акцияларнинг сони ушбу турдаги жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг сонига қисқартирилиши керак.

6.6. Жамиятнинг Устав фондини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш жалб қилинган инвестициялар, Жамиятнинг ўз капитали ва ҳисобланган дивидендлар ҳисобидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин.

6.7. Жамият акциялари учун тўлов фақат пул маблағлари билан амалга оширилиши мумкин. Жамият устав фондини шакллантириш учун кредитга, гаровга олинган маблағлардан ва бошқа жалб қилинган маблағлардан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

VII. ЖАМИЯТНИНГ УСТАВ ФОНДИНИ КАМАЙТИРИШ

7.1. Жамиятнинг Устав фонди акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан акцияларнинг бир қисмини кейинчалик бекор қилган ҳолда Жамият томонидан акцияларни олиш йўли билан камайтирилиши мумкин.

7.2. Жамиятнинг Устав фондини акцияларнинг бир қисмини олиш ва бекор қилиш йўли билан камайтиришга йўл қўйилади.

7.3. Жамият Устав фондини камайтиришга, агар бунинг натижасида унинг миқдори Жамият Устав фондининг Жамият Уставидаги тегишли ўзгартишларни давлат рўйхатидан ўтказиш санасида аниқланадиган энг кам миқдоридан камайиб кетса, ҳақли эмас.

7.4. Устав фондини камайтириш ва Жамият Уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарорлар Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

VIII. ЖАМИЯТНИНГ АКЦИЯЛАРИ, УЛАРНИ ЖОЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ ВА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН АКЦИЯЛАР

8.1. Жамият акциялари эгасининг номи ёзилган эмиссиявий қимматли қоғозлар бўлиб, улар турига кўра оддий акциялардир.

8.2. Акция бўлинмасдир. Агар акция умумий мулк ҳуқуқи асосида бир нечта шахсга тегишли бўлса, бу шахсларнинг барчаси бир акциядор деб эътироф этилади ва акция билан тасдиқланган ҳуқуқлардан ўзларининг умумий вакили орқали фойдаланади.

8.3. Акциялар мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ асосида қайси юридик ёки жисмоний шахсга тегишли бўлса, ўша юридик ёхуд жисмоний шахс акциянинг эгаси — акциядор деб эътироф этилади.

8.4. Оддий акциялар овоз берувчи акциялар бўлиб, улар ўз эгасига дивидендлар олиш, Жамиятни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини беради.

8.5. Жамият акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларни очик ва/ёки ёпиқ обуна воситасида жойлаштиришга ҳақли.

8.6. Акцияларнинг очик обунаси фақат қимматли қоғозларнинг биржа бозорида ва уюшган биржадан ташқари бозорида ўтказилади.

8.7. Жамият акцияларининг жойлаштирилиши қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

8.8. Жамият ўзи чиқарган акциялар бўйича уларни қайтариб сотиб олиш шarti билан битимлар тузишга, шунингдек ўзи чиқарган акцияларни ишончли бошқарувга беришга ҳақли эмас.

8.9. Жамиятнинг эълон қилинган акциялари — Жамият Устав фондини ошириш мақсадида жойлаштирилган акцияларига қўшимча равишда жойлаштиришга ҳақли бўлган эълон қилинган акцияларининг сони номинал қиймати 1000,00 (бир минг) сўмлик 35 205 000 (ўттиз беш миллион икки юз беш минг) дона эгасининг номи ёзилган оддий акциялардан иборат.

IX. ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ ХУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

9.1. Жамият акциядорларининг хуқуқлари қуйидагилардан иборат:

- Жамиятнинг акциядорлари реестрига киритилиши;
- депо ҳисобварағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;
- Жамият фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;
- Жамият тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;
- акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали Жамиятни бошқаришда иштирок этиш;
- Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш;
- олган дивидендини эркин тасарруф этиш;
- қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз хуқуқларини ҳимоя қилиш;
- ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;
- ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларига бирлашиш;
- қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш хуқуқига эга.

9.2. Жамият акциядорларининг мажбуриятлари:

- мазкур Уставда кўрсатилган тартибда, миқдор ва усулларда акцияларнинг нархини тўлаш;
- мазкур Уставда назарда тутилган чегараларда, Жамият бошқарув органларининг қарорларига бўйсуниш;
- Жамиятнинг махфий тусда бўлган ахборотларини ошкор қилмаслик;
- ўзига оид маълумотлардаги ўзгаришлар ҳақида ўз вақтида ўз акцияларига бўлган хуқуқларини ҳисобга олиш бўйича хизматлар кўрсатувчи инвестиция воситачисини хабардор қилиш.

9.3. Акциядорлар мазкур Уставда ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўладилар. Акциядорлар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа хуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

X. ЖАМИЯТНИНГ ФОНДЛАРИ

10.1. Жамият ўз фаолиятини юритишда суғурта ва бошқа захира фондларини ташкил қилади.

10.2. Жамият устав фондининг 15 (ўн беш) фоизи миқдоридан захира фонди ташкил этилади.

10.3. Жамиятнинг захира фонди ушбу уставда белгиланган миқдорга етгунига қадар соф фойдадан ҳар йилги мажбурий ажратмалар орқали шакллантирилади. Ҳар йилги ажратмаларнинг миқдори Жамият уставида белгиланган миқдорга етгунига қадар соф фойданинг беш фоизидан кам бўлмаслиги керак.

10.4. Бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, Жамиятнинг захира фонди Жамиятнинг зарарлари ўрнини қоплаш, Жамиятнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш ва Жамиятнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади.

10.5. Жамиятнинг захира фондидан бошқа мақсадлар учун фойдаланиш мумкин эмас.

10.6. Жамият томонидан барча олинган мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида, махсус ваколатга эга органлар томонидан ишлаб чиқилган тартибда, сўм ва чет эл валютасида тўланган суғурта мукофотлари ҳисобига захира фонди шакллантирилади.

10.7. Жамият активларининг Жамият суғурта резерви миқдорига мутаносиб қисми мусодара қилинмайди.

10.8. Жамият томонидан бошқа фондлар ҳам ташкил этилиши мумкин.

XI. ДИВИДЕНДЛАРНИ ТЎЛАШ ТАРТИБИ

11.1. Дивидендлар Жамият соф фойдасининг акциядорлар ўртасида тақсимланадиган қисмидир. Дивидендлар жамиятнинг жамият тасарруфида қоладиган соф фойдасидан ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тўланади.

11.2. Жамият акцияларнинг ҳар бир тури бўйича эълон қилинган дивидендларни тўлаши лозим.

11.3. Дивидендлар акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд Жамиятнинг қимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин.

11.4. Дивидендлар акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равишда тақсимланади.

11.5. Жамият томонидан оддий акциялар бўйича ҳисобланган дивидендларни тўлаш акциядорларнинг дивидендларни олишга бўлган тенг ҳуқуқларига риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

11.6. Жамият молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра ва молиявий йил натижаларига кўра жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли. Бундай қарор тегишли давр тугаганидан кейин уч ой ичида қабул қилиниши мумкин.

11.7. Акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ҳақида аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

11.8. Дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарорда дивидендлар тўлаш бошланадиган ва тугалланадиган саналар кўрсатилган бўлиши лозим.

11.9. Дивидендларни тўлаш муддати ва тартиби акциядорларнинг умумий йиғилиши қароридан белгиланади. Дивидендларни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан олтинчи кундан кеч бўлмаслиги лозим.

11.10. Эгаси ёки эгасининг қонуний ҳуқуқий вориси ёхуд меросхўри томонидан уч йил ичида талаб қилиб олинмаган дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра Жамият ихтиёрида қолдирилиши мумкин.

XII. ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИНИНГ ТУЗИЛМАСИ

12.1. Қуйидагилар Жамиятнинг бошқарув органлари ҳисобланадилар:

- **Акциядорларнинг умумий йиғилиши** – Жамиятнинг юқори бошқарув органи;
- **Бошқарув** – Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилувчи коллегиял ижроия органи;
- **Ижроия органининг раҳбари** – Бошқарув Раиси.

12.2. Қуйидагилар Жамиятнинг назорат қилувчи органлари ҳисобланадилар:

- **Жамият тафтишчиси** – Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилувчи орган;
- **Жамиятнинг ички аудит хизмати** – Жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари, Жамиятнинг таркибига кирувчи корхоналар ишини назорат қилишни ва баҳолашни амалга оширади.

XIII. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ

13.1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши Жамиятнинг юқори бошқарув органидир.

13.2. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ушбу умумий йиғилишда қатнашувчи акциядорлар томонидан очиқ овоз бериш йўли билан тайинланган (сайланган) акциядор ва/ёки унинг вакили томонидан олиб борилади.

13.3. Жамият акциядорларининг йиллик Умумий йиғилиши ҳар йили молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади.

13.4. Агар акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда Жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами эллик фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатли (кворумга эга) бўлади.

13.5. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида Жамиятнинг тафтишчисини сайлаш тўғрисидаги, Жамиятнинг коллегиял асосидаги ижроия органи билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги ҳақидаги масалалар ҳал этилади, шунингдек ушбу Уставнинг 13.8. – банди ўн тўртинчи ва ўн олтинчи хатбошиларига мувофиқ Жамиятнинг йиллик ҳисоботи Жамият ижроия органининг Жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботлари ва бошқа ҳужжатлари кўриб чиқилади.

13.6. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилишлардир. Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши амалдаги қонунчиликка мувофиқ, йиғилиш чақиритиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг талабига биноан ўтказилади.

13.7. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси ва тартиби, йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар бериш тартиби, акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик вақтида акциядорларга бериладиган материалларнинг (ахборотнинг) рўйхати Жамият ижро органи томонидан белгиланади.

13.8. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қўйидагилар кирди:

- Жамият уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки Жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш;
- Жамиятни қайта ташкил этиш;
- Жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралик ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;
- Жамият кузатув кенгашининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, Кузатув кенгаши аъзоларига мукофот ва компенсациялар тўлаш;
- эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;
- Жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш, шунингдек Жамият уставига Жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш ҳамда Жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қарор қабул қилиш ҳамда тегишли ҳужжатларни (акциялар чиқариш тўғрисидаги қарор ва эмиссия рисоласини) тасдиқлаш;
- Жамиятнинг ички Низомларини тасдиқлаш;
- Жамиятнинг устав фондини камайтириш;
- Жамиятнинг жойлаштирилган акцияларини сотиб олиш;
- Жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, ижроия органини тузиш, унинг раҳбари ва аъзоларини сайлаш (тайинлаш) ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
- Жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларни, шунингдек уларнинг энг юқори миқдорларини белгилаш;
- Жамият тафтишчисини сайлаш ва унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек тафтишчи тўғрисидаги низомни тасдиқлаш, Тафтишчига мукофот ва компенсациялар тўлаш;
- Жамиятнинг йиллик ҳисоботини ва йиллик бизнес-режасини, шунингдек Жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда Жамиятни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш;
- Жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида Жамият ижроия органининг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда Жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

- Жамиятнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;
- дивидендлар тўлаш тўғрисида қарорни қабул қилиш, акцияларнинг ҳар бир тоифаси ва тури бўйича дивиденд миқдори, тўлов шакли ва тартибини белгилаш;
- Жамият кузатув кенгашининг ва тафтишчисининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан Жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан Жамият кузатув кенгашининг ҳисоботларини ва тафтишчисининг хулосаларини эшитиш;
- Жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- Жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 35 – моддасида назарда тутилган имтиёзли ҳуқуқни қўлламаслик тўғрисида қарор қабул қилиш;
- акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;
- акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;
- Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 8 ва 9 – бобларида назарда тутилган ҳолларда Жамият томонидан йирик ва аффилиланган шахслари билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;
- мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;
- Жамиятнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш;
- Жамиятда ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;
- Жамият ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш;
- Жамиятнинг захира фондидан фойдаланиш;
- Жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;
- Жамиятнинг шўба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш;
- Жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

13.9. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар Жамиятнинг ижроия органи ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас.

13.10. Барча оддий акциялар битта акциядорга тегишли бўлган тақдирда акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилмайди. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига киритилган масалалар бўйича қарорлар бундай акциядор томонидан яқка тартибда қабул қилинади ҳамда ёзма шаклда расмийлаштирилади. Бунда ушбу акциядорлар умумий йиғилишига тайёргарлик кўриш, уни чақириш ва ўтказиш тартибини ҳамда муддатларини белгиловчи қоидалари қўлланилмайди, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини ўтказиш муддатларига тааллуқли қоидалар бундан мустасно.

13.11. Жамият акциядорлар умумий йиғилишида акциядорлар вакили сифатида иштирок этувчи Жамият Бошқарув раиси Жамият ижроия органи сайлаш масаласида овоз бериш ҳуқуқига эга эмас.

13.12. Акциядорлар умумий йиғилишини ташкиллаштириш ва ўтказиш билан боғлиқ бошқа масалалар амалдаги қонунчилик ва Жамиятнинг «Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида» ги Низоми ва «Санок комиссияси тўғрисида» ги Низоми билан тартибга солинади.

XIV. ЖАМИЯТНИНГ ИЖРОИЯ ОРГАНИ

14.1. Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилиш коллегиял ижроия органи – Жамият Бошқаруви томонидан амалга оширилади. Жамият Бошқаруви 5 (беш) нафар аъзодан иборат.

14.2. Жамият Бошқаруви акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатларига киритилган масалалардан ташқари барча масалаларни ҳал қилиш ваколатига эга.

14.3. Жамият Бошқаруви ижро этувчи орган ҳисобланиб, унинг кундалик фаолиятини бошқаради ва оператив раҳбарликни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Жамият Устави ва Акциядорлар умумий йиғилиши қарорларига мувофиқ амалга оширади

Жамият Бошқарув раиси ва аъзолари акциядорлар умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга сайланади (тайинланади). Сайлангандан (тайинлангандан) сўнг бошқарув раиси ва ҳар бир аъзоси билан тегишли лавозими бўйича вазифаларини бажаришга бир йил муддатли шартнома тузилади, шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилинади.

14.4. Жамият ходимлари мазкур Уставга ва амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ Жамият Бошқарув раиси билан меҳнат шартномасини тузадилар.

14.5. Жамият Бошқаруви ушбу Устав ва акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган «Жамият Ижроия органи тўғрисида»ги Низом асосида иш олиб боради.

14.6. Жамият Бошқарувининг мажлиси зарур ҳолларда, бироқ бир ойда камида бир марта ўтказилади. Жамият Бошқаруви томонидан Акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиладиган масалалар мажбурий тартибда Бошқарув мажлисида олдиндан муҳокама этилади. Бошқарувнинг фикри ҳақида Акциядорларнинг умумий йиғилишида Бошқарув Раиси ёки у томонидан ваколат берилган Бошқарув аъзоси ахборот беради ва ҳимоя қилади.

14.7. Жамият Бошқаруви мажлиси унинг кун тартибига киритилган масалаларни, агар мажлисда Бошқарув аъзоларининг камида 3 нафар аъзоси қатнашса, ҳал қилишга ҳақлидир.

14.8. Жамият Бошқаруви мажлисида қарорлар мажлисда қатнашаётган Бошқарув аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Бошқарув мажлисида масалалар ҳал этилаётганда Бошқарувнинг ҳар бир аъзоси битта овозга эга. Овозлар тенг бўлиб қолган тақдирда Жамият Бошқаруви раисининг овози ҳал этувчи ҳисобланади. Мазкур уставнинг 14.11. – бандининг о) қисмида кўрсатилган масала бўйича қарор мажлисда иштирок этаётган Жамият Бошқаруви аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилинади.

14.9. Бошқарув мажлисида баённома юритилади. Баённома мажлисда иштирок этаётган Жамият Бошқарув аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлис баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади. Бошқарув мажлисининг баённомаси Жамият тафтишчисига, шунингдек ички аудиторга уларнинг талабига кўра берилади.

14.10. Жамият Бошқарувининг мажбуриятлари ва ваколатларига қуйидагилар кирди:

а) акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик Жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни 65 – моддасининг ўн биринчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно;

б) акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;

в) акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;

г) акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун Жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

д) ўз ваколатлари доирасида Жамиятнинг мол –мулки ва пул маблағларини тассаруф этиш;

- е) Жамиятнинг таркибий бўлинмалар тўғрисидаги низомлар, ходимларнинг лавозим йўриқномаларини тасдиқлаш;
- ж) Жамиятнинг ички меъёрий ҳужжатларини тасдиқлаш, акциядорлар Умумий йиғилишининг ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно;
- з) Жамият шўъба корхоналари, ваколатхоналари ва филиаллари учун мажбурий бўлган қарор, буйруқ ва фармойишлар чиқариш;
- и) Жамиятнинг таркибий бўлинмаларининг ўзаро самарали ҳаракатини таъминлаш;
- к) Жамиятни ривожлантириш дастурлари ва бизнес – режалари ишлаб чиқиш, уларни ташкил этиш ва бажарилишини назорат қилиш;
- л) Жамиятнинг ваколатли бошқарув органи томонидан тасдиқланган бизнес – режада кўрсатилган миқдорларда фойда олишни таъминлаш;
- м) қонунчиликка мувофиқ Жамиятда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг ташкил этилиши, ҳолати ва ишончилигини, йиллик ҳисоботлар ва бошқа молиявий ҳисоботлар тегишли органларга ўз вақтида тақдим этилишини, шунингдек акциядорларга, кредиторларга ва бошқа олувчиларга юбориладиган Жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилишини таъминлаш;
- н) Жамиятнинг молия – хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатлар Жамият тафтишчиси ёки Жамият аудитори талабига кўра тақдим этиш;
- о) ўз ваколати доирасида мол – мулкни олиш ёки уни бошқа шахсга бериш ёхуд мол – мулкни бошқа шахсга бериш эҳтимоли билан боғлиқ битим тузиш (битим тузиш масаласида Жамият Бошқаруви яқдиллигига эришилмаган ҳолларда битим тузиш тўғрисидаги масала Жамият бошқаруви қарорига мувофиқ Акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳукмига ҳавола этилиши мумкин);
- п) Жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи ахборотларни сақлаш. Жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи маълумотлар рўйхати Жамият Бошқаруви томонидан белгиланади;
- р) ўз ваколатига тегишли ишларнинг ҳолати тўғрисидаги ахборотни Акциядорларнинг умумий йиғилишига белгиланган муддатда тақдим этиш;
- с) Жамият Акциядорларининг умумий йиғилишида қатнашиш, дивидендлар ҳисобланиши ва тўланиши бўйича акциядорларнинг барча ҳуқуқларига риоя қилиш;
- т) ўз ваколатлари доирасида Жамиятнинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаш;
- у) Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига, ҳамда Жамият ички ҳужжатларига риоя қилиш;
- ф) Жамиятнинг Бошқаруви, қонунчилик, ушбу устав ва Жамиятнинг меъёрий ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқ (ваколат) ва мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

14.11.Жамият Бошқарув раисининг мажбуриятлари ва ваколатларига қуйидагилар киради:

- а) Жамиятнинг самарадор ва барқарор иш юритишини таъминлаган ҳолда кундалик фаолиятига раҳбарлик қилиш, акциядорлар Умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалардан ташқари;
- б) акциядорлар Умумий йиғилишининг қарорлари ижросини таъминлаш;
- в) Жамиятнинг шартмавий мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш;
- г) Жамият фаолияти ва ижтимоий соҳа ривожланиши учун зарур бўлган даромад олишни таъминлаш;
- д) Жамиятнинг бизнес – режа ва ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш, ижросини ташкил этиш ва назорат қилиш;
- е) Жамият фаолиятини юритишда қонунчилик талабларига риоя этишни таъминлаш;
- ж) Жамият бошқаруви мажлисларини ўтказиш ва баённома (қарор) ларини имзолаш, Жамият номидан ҳужжатларни имзолашни ташкил этиш;
- з) Жамият номидан ишончномасиз иш юритиш, давлат муассасалари, барча мулк шаклларидаги корхона ва ташкилотларда унинг манфаатларини ҳимоя қилиш;

- и) банкларда ҳисоб рақамлар шу жумладан валюта ҳисоб рақамларини очиш ва Жамиятнинг банк ва бошқа молия ҳужжатларида биринчи имзо ваколатига эга бўлиш;
- к) давлат статистика ҳисоботи ва бухгалтерия ҳисоботини тегишли органларга тўлиқ ва ўз вақтида тақдим этилишини таъминлаш;
- л) ўзининг ваколатлари доирасида, Жамият мижозлари, корхона ва ташкилотлар билан шартномалар ва контрактларни имзолайди ва битимлар тузади, шунингдек шартнома мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш;
- м) штатларни белгилаш, ходимларнинг штат рўйхатини тасдиқлаш;
- н) Жамиятга ходимларни ишга қабул қилиш, улар билан меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш, уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш, ходимлар томонидан меҳнат ва ижро интизомини риоя этилишини таъминлаш;
- о) Жамиятни малакали кадрлар билан таъминлаш, Жамият ходимларининг билими, малакаси, тажрибаси ва қобилиятларидан унумли фойдаланиш чораларини кўриш;
- п) Жамият ходимларининг малакасини ўқув курслари, семинарлар ва бошқа тадбирларда иштирок этиш орқали ошириш;
- р) Жамият ходимларининг ижтимоий қафолатларига риоя қилинишини ва улар меҳнатини муҳофаза қилишни таъминлаш;
- с) Жамиятнинг барча ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқ ва фармойишлар чиқариш ва кўрсатмалар бериш;
- т) Жамият филиаллари ва ваколатхоналари штат жадвалларини тасдиқлаш;
- у) Жамиятнинг филиаллари ва ваколатхоналари раҳбарларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш;
- ф) филиал фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаш ва уларнинг бизнес – режаларини ва бажариш тўғрисидаги ҳисоботларини тасдиқлаш;
- х) Жамият номидан амалдаги қонунчиликка асосан ишончномаларни бериш;
- ц) Жамият таркибига кирувчи ташкилотларнинг бошқарув органлари йиғилишларида ўзининг вакилларини Жамият номидан овоз бериш тартибини белгилаш;
- ч) Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига, ҳамда Жамият ички ҳужжатларига риоя қилиш.

Жамият Бошқарув раиси, қонунчилик, ушбу Устав ва Жамиятнинг меъёрий ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқ (ваколат) ва мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

14.12. Жамият Бошқарув раиси ва аъзолари ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз бурчларини бажаришда Жамият манфаатларини кўзлаб иш тутишлари лозим.

14.13. Жамият Бошқарув раиси ва аъзолари Жамият ва унинг акциядорлари олдидаги ўз мажбуриятларини зарур даражада бажармаганликлари учун қонун ҳужжатларига ва мазкур Уставга мувофиқ жавобгар бўладилар.

14.14. Жамиятга зарар етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарорга қарши овоз берган Жамият Бошқарув аъзолари жавобгар бўлмайди.

14.15. Бошқарув Раиси ва аъзоларини лавозимидан бўшатиш (ваколатини тугатиш) ҳақидаги қарор Жамият Акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

14.16. Бошқарув раиси ва аъзолари томонидан ушбу Устав ва меҳнат шартномаси шартлари кўпол равишда бузилса, ёхуд Жамият бизнес – режасининг тасдиқланган кўрсаткичларни бажарилиши бузилган ҳолларда ва уларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида Жамиятга келтирилган зарарлари сабабли улар билан тузилган меҳнат шартномаси қонунчиликда белгиланган тартибда муддатидан илгари бекор қилиниши мумкин.

14.17. Жамият Бошқарув раиси ва аъзолари ваколатлари муддатидан илгари тугатилган ҳолда уларнинг вазифасини вақтинча бажаришни Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига мувофиқ тайинланган шахс амалга оширади.

XV. ЖАМИЯТНИНГ ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

а) Тафтишчи

15.1. Тафтишчи Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти устидан назоратни амалга оширади. Акциядорларнинг умумий йиғилиши тафтишчини 1 йил муддатга сайлайди.

15.2. Тафтишчига доир малака талаблари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланади. Айти бир шахс тафтишчи сифатида кетма-кет 3 мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас.

15.3. Жамият тафтишчиси фаолиятининг тартиби Акциядорлар Умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган «Жамият тафтишчиси тўғрисида»ги Низомда белгилаб қўйилади.

15.4. Жамият тафтишчисининг ёзма талабига кўра Жамият ижроия органида мансабни эгаллаб турган шахслар Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни тафтишчиига тақдим этиши шарт.

15.5. Жамият тафтишчиси бир вақтнинг ўзида айти шу Жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаши мумкин эмас.

15.6. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш тафтишчининг, акциядорлар умумий йиғилишининг ташаббусига кўра ёки Жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгаллик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра Жамият ижроия органини олдиндан хабардор қилиш йўли билан бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият яқунлари бўйича амалга оширилади.

15.7. Жамиятнинг тафтишчиси амалдаги қонунчиликка мувофиқ акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши чақирилишини талаб қилишга ҳақли.

15.8. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш яқунларига кўра Жамиятнинг тафтишчиси хулоса тузади, бу хулосада:

– Жамиятнинг ҳисоботларида ва бошқа молиявий ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилигига доир баҳо;

– бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тақдим этиш тартиби бузилганлиги, шунингдек молия-хўжалик фаолияти амалга оширилаётганда қонун ҳужжатлари бузилганлиги фактлари тўғрисидаги ахборот кўрсатилиши шарт.

15.9. Тафтишчи Жамият томонидан унинг фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатларга риоя қилинишини, Жамият ички назоратининг йўлга қўйилишини, Жамият томонидан амалга ошириладиган операцияларнинг қонунийлигини (ялпи ёки танлаб текшириш йўли билан), мол-мулк ҳолатини текширади.

15.10. Тафтишчи акциядорлар умумий йиғилишига ўтказилган тафтиш тўғрисидаги ҳисоботни, зарур ҳолларда камчиликларни бартараф этиш бўйича тавсияномалар билан, шунингдек тасдиқлашга тақдим этилган йиллик баланс ҳамда фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботнинг Жамиятдаги ишларнинг ҳақиқий аҳволига мувофиқлиги ҳақидаги хулосани, уларни тасдиқлаш бўйича тавсияномалар билан бирга тақдим этади.

15.11. Тафтишчи Жамиятда аффилиланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонун ҳужжатларининг ва Жамият ички ҳужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хулосани ҳар чоракда Жамият акциядорлари умумий йиғилишига олиб чиқади. Ушбу хулоса акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида эшитилади.

б) Ички аудит хизмати

15.12. Жамиятда ички аудит хизмати ташкил этилади. Ички аудит хизмати Жамиятнинг акциядорлар умумий йиғилишига ҳисобдордир. Ички аудит хизмати ходимларининг сони ва шахсий таркиби амалдаги қонунчилик билан белгиланган тартибда ташкил этилади.

15.13. Ички аудит хизмати Жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари томонидан қонун ҳужжатларига, Жамият уставига ва бошқа ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисобида ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда ишончли тарзда

акс эттирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек Жамиятни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ҳамда мониторинг олиб бориш орқали Жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари ишини назорат қилади ҳамда баҳолайди. Шунингдек ички аудит хизмати 50 фоиздан зиёд улуши Жамиятга тегишли бўлган юридик шахслар билан ўтказилган операциялар устидан назоратни амалга оширади.

15.14. Ички аудит хизмати ҳар чорак натижалари бўйича ва молия йили тугагандан сўнг, Жамият акциядорлари умумий йиғилишига ҳисобот топширади. Ички аудит хизматининг хизмат вазифалари Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига мувофиқ ўрнатилади. Ички аудит хизмати ходимлари билан меҳнат шартномасини Жамият Бошқарув раиси имзолайди.

15.15. Ички аудиторнинг иш режаси, харажатлар сметаси Жамият акциядорлари умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.

15.16. Ички аудит хизмати фаолияти акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқлаган “Ички аудит хизмати тўғрисида”ги Низом билан белгиланади.

XVI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

16.1. Устав бўйича келиб чиқадиган барча низо ва келишмовчиликлар акциядорларнинг ўзаро келишув йўли билан амалдаги қонун ҳужжатлари ва ушбу уставга асосан ҳал қилинади.

16.2. Низо ва келишмовчиликларни музокаралар йўли билан ҳал қилиш имконияти бўлмаган тақдирда улар суд орқали Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал қилинади.

XVII. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

17.1. Жамият Уставида кўзда тутилмаган барча ҳолатлар Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик Жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ тартибга солинади.

17.2. Агар мазкур Уставнинг бирон бир қоидаси ўз кучини йўқотган бўлса, бу қоида бошқа қоидаларни тўхтатиш учун сабаб бўлмайди.

17.3. Ушбу Устав Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб кучга киради.

ЖАМИЯТ ЯГОНА ТАЪСИСЧИСИ:
Ўзбекистон Республикаси фуқароси
AHMEDJANOV FARRUX BAXRAMOVICH

